

10,7 фоизга ошган. 2019 йилга келиб барча тоифадаги хўжаликларидида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикасига 1,6 фоизга, фермер хўжаликлари 13,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар 23 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин (4-жадвал).

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодийётни модернизация қилиш шароитида Ўзбекистонда фермер хўжаликларидида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман:

**Биринчидан**, гўшт ва гўшт маҳсулотларининг амалдаги ишлов бериш жараёнларини тақомиллаштириш зарур. Чунки, асбоблар ва технологик жараёнлар, гўшт ва сут маҳсулотларини сертификатлаштириш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни самарадорлигини оширади.

**Иккинчидан**, амалдаги норматив ҳужжатларни қайта ишлаб чиқиш керак. Бу эса тадбиркорлик субъектларига гўшт-сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришда озиқ-овқат қўшимчаларини ишлатишнинг янги технологияларини ишлаб чиқишда, сут маҳсулотларининг янги турларини (қатикли, творогли маҳсулотлар, қаймоқли пасталар, спредлар ва бошқалар) ишлаб чиқишда, қадоқланган гўшт-сут маҳсулоти миқдорининг мувофиқлиги, шунингдек, унинг па-

раметрларини амалдаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолашда қулайлик яратади.

**Учинчидан**, транспортда ташишнинг санитария-гигиена шартларини ўз ичига оладиган, гўшт хом ашёсининг сифатини ошириш тизимини ишлаб чиқиш лозим. Чунки, молни сўйишдан олдинги тайёргарлик ва сўйиш жараёнида санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш ва тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган, сақланаётган ва сотилаётган гўшт-сут маҳсулотларининг сифати ошишига олиб келади.

**Тўртинчидан**, фермер хўжаликларидида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни жадал ривожлантириш халқимизни арзон, сифатли гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган фуқароларнинг бандлигини ошириш ҳамда даромадларини кўпайишига замин яратади. Ўзбекистон аҳолисининг чорвачиликни ривожлантириш борасидидаги тадбиркорлик ташаббусларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ушбу тармоқда илмий ёндашувлар ва илғор замонавий технологияларни амалиётга тадбиқ этиш, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп чорва маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашни рағбатлантириш, истиқболда аҳоли фаровонлигини юксалтириш ва камбағалликни қисқартиришга олиб келади.

### Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // "Халқ сўзи" газетаси, 30 декабрь 2020 йил № 275-276 (7746-7747).
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // "Халқ сўзи" газетаси, 2020 йил 25 январь, № 19 (7521)
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.01.2020 йилдаги 280-сон "Чорвачилик тармоғига давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарори
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.05.2020 й. 280-сон "Чорвачилик тармоғига давлат томонидан субсидия ажратишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида" ги Қарори
5. Ўзбекистон Республикаси "Фермер хўжалиги тўғрисида" ги Қонуни. 2004 йил, 26 август (ўзгартириш ва қўшимчалар билан)
6. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси». -Т.: «Ўзбекистон», 1998, 44-модда
7. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) - Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси расмий сайти

## ТУРЛИ ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ШАКЛЛАРИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА ГЎШТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

**Кушаров Зоҳид Келдиёрович -  
и.ф.н., доцент, Тошкент давлат аграр университети**

**Аннотация.** Ушбу мақолада пандемия шароитида турли хўжалик юритиш шаклларидаги қишлоқ хўжалиги корхоналарида гўшт ишлаб чиқаришнинг истеъмол бозоридаги, ижтимоий ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг аҳамияти ёритилган.

**Калит сўзлар:** технология, талаб ва таклиф, истеъмол, барқарор ўсиш, тадбиркорлик муҳити, инвестиция, хусусийлаштириш, наслдор қорамол, физиологик меъёр, озуқа экинлари, ветеринария хизмати.

**Аннотация.** В данной статье рассматривается значение мясного производства на потребительском рынке, социальная и государственная поддержка сельскохозяйственных предприятий различных форм экономической деятельности в условиях пандемий.

**Ключевые слова:** технология, спрос и предложение, потребление, устойчивый рост, предпринимательская среда, инвестиции, приватизация, племенной скот, физиологическая норма, кормовые культуры, ветеринарная служба.

**Abstract:** This article discusses the importance of meat production in the consumer market, social and state support for agricultural enterprises of various forms of economic activity in the context of pandemics.

**Keywords:** technology, supply and demand, consumption, sustainable growth, business environment, investment, privatization, breeding stock, physiological norm, forage crops, veterinary service.

Мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири-талаб даражасидаги сифатли озиқ-овқат таъминотини яхшилаш, жумладан чорвачилик маҳсулотлари билан етарли таъминлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Айниқса, бугунги Covid-19 пандемия шароитида Республика Президенти ва ҳукумати томонидан озиқ-овқат таъминотини яхшилаш, хусусан чорвачилик соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев шундай таъкидлаган эди: “Чорвачилик комплексига хориждан наслдор қорамоллар олиб келиш, уларни зарур технологиялар асосида парваришлаш, етиштирилган маҳсулотни шу ернинг ўзида қайта ишлашни йўлга қўйиш” масалаларига алоҳида эътибор қаратди[1].

Таклиф ва истеъмол уйғунлигини таъминлашда гўшт ишлаб чиқариш ҳажмининг узлуксиз ва барқарор ўсишига таъсир кўрсатувчи шарт-шароитлар ҳамда тадбиркорлик муҳитини шакллантириш тақозо этилмоқда. Шунингдек, гўшт истеъмолининг физиологик меъёрлар даражасига етказилиши озиқ-овқат таъминотининг сифат даражасида бўлишига ижобий таъсир кўрсатади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ноқ чорва маҳсулотларига давлат буюртмаси бекор қилиниши ва эркин бозор нархлари жорий этилиши, чорвачилик фермаларининг хусусийлаштирилиши туфайли, гўшт ишлаб чиқариш суръатлари 2000 йилдан бошлаб йилига ўртача 5,1 фоизга ўсиб, унинг ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларидаги улуши мос равишда ғаллачиликнинг ўсиши ҳисобига 49,8 фоиздан 46,5 фоизга камайган бўлсада, унинг абсолют ҳажми ўсиб бормоқда. Жумладан, тирик вазнда ушбу даврларда гўшт ишлаб чиқариш 841,8 минг тоннадан 2019 йилда 2440,3 минг тоннага ошган бўлса, сўйилган вазни мос равишда 513,0 минг тоннадан 1488,6 минг тоннага ортган.

Шу билан бирга, гўшт ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил этувчи чорва моллари бош сонининг мунтазам ўсиб бориши, турли шаклдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг гўшт ишлаб чиқариш салоҳиятида жиддий ўзгаришлар рўй берди.

Бу борада, деҳқон хўжаликларининг гўшт ишлаб чиқаришдаги салмоғи 2000 йилда 91,1 фоиздан 2019 йилда 95,0 фоизга, фермер хўжаликларида 1,3 фоиздан 2,6 фоизга ошгани ҳолда қишлоқ хўжалик корхоналарида мутаносиб равишда 7,6 фоиздан 2,4 фоизгача камайди. Ушбу даврда чорва молларининг таркибий тузилиши-

даги ўзгаришлар эвазига қорамол гўштининг салмоғи 61 фоиздан 93,4 фоизга ўсган бўлса, чўчқа ва парранда гўшти ишлаб чиқариш салмоғи эса кескин камайди. Бунда қорамолларнинг қорамолларнинг 94 фоизи, қўй ва эчкиларнинг 84 фоизи, парранданинг 58 фоизи аҳоли хонадонларида боқилишини таъкидлаш лозим[2].

Айни чоғда, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, гўшт ишлаб чиқаришнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари ва озуқа экинлари ҳосилдорлигидаги ижобий силжишлар талаб даражасидан ортда қолмоқда. Пировардида эса, фермер, деҳқон ва шахсий томорқа хўжаликларида гўшт ишлаб чиқариш самарадорлиги пастлигича қолмоқда. Хусусан, қорамолларни гўштга топширишнинг ўртача вазни 220-225 кг. ни ташкил қилган ҳолда кунлик семириш кўрсаткичлари 450-500 граммга етмаяпти. Юқоридаги сабабларга кўра, мамлакатимизда гўшт истеъмол қилиш даражаси физиологик меъёрнинг бешдан уч қисмини ташкил этмоқда[8].

Гўшт ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга озуқа экинлари майдонининг камлиги, ем-хашак етиштириш ҳажмининг озлиги ва сифати пастлиги, гўшт етиштиришга ихтисослашган наслдор чорва моллари сонининг озлиги, ветеринария хизматлари сифати талаб даражасида эмаслиги, ушбу соҳага ажратилаётган инвестициялар миқдори етарли эмаслиги деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлашда кенг қамровли ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий механизм такомиллаштирилмаганлиги каби омиллар салбий таъсир кўрсатмоқда.


Республикаимизда дон мустақиллигига эришиш билан бир қаторда гўшт ишлаб чиқаришдаги ўсиш суръатларини таъминловчи тадбиркорлик муҳити яратилди. Жумладан, томорқа экин майдонларининг 2,5 бараварга кенгайтирилиши, чорвачилик маҳсулотларига давлат буюртмасининг бекор қилиниши шахсий томорқа ва деҳқон хўжаликларининг жами гўшт ишлаб чиқаришдаги салмоғини 61 фоиздан 94 %га ортишини, аҳоли жон бошига тўғри келадиган гўшт ишлаб чиқариш даражасини 38,8 дан 47,2 кг.га етишини таъминлади. Яъни, чорвачиликдаги хусусийлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш соҳасидаги иқтисодий ислохотлар натижасида кейинги 18 йилда аҳоли сонининг 34,5 фоизга ўсишига нисбатан гўшт ишлаб чиқаришнинг умумий ўсиш суръати 63,2 фоизга ўсишига эришилди[9].

Бироқ, меъёрий даражада истеъмолни ташкил этиш учун гўшт ишлаб чиқаришни кўпайтирилиши жиддий ташвишланарли ҳолли-

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

гича қолмоқда. Модомики, мамлакат аҳолиси учун гўшт истеъмоли физиологик меъёр даражасига кўтарилмас экан, озиқ-овқат таъминоти муаммоларининг яхлит, тўлақонли ечимини топиш кун тартибидан туширилмайди, (1-расм).

Шу боис, агроиқтисодиёт соҳасидаги тадқиқотларда озиқ-овқат таъминотининг сифат даражасини белгиловчи гўшт истеъмоли тадқиқотчиларимиз томонидан кенг миқёсда ўрганилаётганлиги ижобий ҳол ҳисобланади.



**1-расм. Гўшт ишлаб чиқаришнинг аҳамияти**

Шунингдек, иқтисодиётни модернизациялаш босқичида мамлакатимизда гўшт истеъмолининг физиологик талаблар даражасига нисбатан суст ривожланаётганлиги, бу эса, аҳолининг ўсиш суръатларидан ортда қолаётганлиги, турли хўжалик юритувчи субъектларнинг бозор конъюктурасига мослашувининг қийинчилик билан кечаётганлиги, озиқ-овқат таъминотида сифат ўзгаришларига эришиш зарурияти бевосита гўшт ишлаб чиқаришнинг ташкилий-иқтисодий, илмий-назарий усулларини чуқурроқ ўрганиш ва мавжуд тенденцияларни аниқлаш ҳамда илғор зоотехник ва технологик усулларни татбиқ этиш асосида гўшт ишлаб чиқариш самарадорлиги ва аҳолининг ҳарид қобилиятини ошириш вазифаларини уйғунлаштиришни тақозо этмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, тадқиқотларимизнинг мақсади умуман қишлоқ хўжалигида чорвачиликни ривожлантириш самарадорлигини оширишнинг объектив зарурлигини доимо диққат марказимизда туришлиги, гўшт ишлаб чиқаришни ривожлантириш са-

марадорлигини оширишнинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш, чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг ташкилий-иқтисодий асослари тадқиқ қилиб бориш, чорвачилик тармоғида ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланишнинг назария асослари ўрганиш, ривожланган мамлакатларда гўшт маҳсулотлари етиштириш ҳолати тенденциясини таҳлил қилиб бориш, жаҳонда чорвачиликнинг ривожланиши ва жойлашуви хусусиятларини ва чорвачилик фермер хўжаликларини ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда инновацион ривожлантириш йўналишларини очиб бериш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Пиравордида эса, гўшт ишлаб чиқаришдаги мавжуд ҳолат турли хўжалик юритувчи субъектларда уни ҳажмини кўпайтиришнинг самарали йўллари аниқлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш орқали тармоқни ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

### *Манба ва адабиётлар рўйхати:*

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида” ги ПФ-5953-сон Фармони

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2006 йил 23 мартдаги ПҚ-308-сонли қарори, <http://info@Gov.uz>.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ-842-сонли қарори, <http://info@Gov.uz>.

5. А.А.Файзиев, З.К.Кушаров. Гўшт етиштириш динамикасининг статистик таҳлили(Мақола). Ўзбекистон аграр фани хабарномаси, 2020 йил, 4 (82)-сон. 34-38 бетлар.

6. Н.Х.Норалиев, З.К.Кушаров. Рақамли иқтисодий шароитда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш жараёнларини моделлаштириш (монография). “Иқтисод-молия” нашриёти, “Хумоюнбек-истиқлол мўжизаси” босмахонаси. Тошкент – 2019 й.

7. E.Yusupov, Z.Kusharov, Z.Siddikov, N.Alieva. Key problems of agricultural policy: food security and diversification(article). Journal of Science and Healthcare Exploration (JSHE) Bi-Monthly, Peer-Reviewed, Refereed, Indexed Journal, 30/06/2019, Page 1-7

8. А.У.Абдурахимов, З.К.Кушаров. Қишлоқ хўжалигида гўшт ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ва уни ошириш истиқболлари (монография). “Rep-Poligraf” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.7,2 б.т., Тошкент-2012 й

9. Stat.uz- маълумотлари

### ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТИЗИМИДА ТЕХНИК ХИЗМАТ КўРСАТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Мирзаев Сарварбек Авазбекович -  
Андижон иқтисодий ва қурилиш институти  
Ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси,**

**Аннотация:** Мақолада қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервис йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш, қишлоқ хўжалиги корхоналарини бошқариш тизими, ишлаб чиқариш самарадорлиги, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш марказининг тузилишининг вазибалари, функциялари, хизмат кўрсатиладиган ускуналарнинг ҳолати ва фаолияти тўғрисидаги маълумотлар берилган.

**Калит сўзлар:** консалтинг, машина-трактор парк, диагностика, техник ўқитиш, утилизация, техник хужжатлаштириш, менежмент, модернизация.

### ОСОБЕННОСТИ ТЕХНИЧЕСКИХ УСЛУГ В СИСТЕМЕ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА

**Аннотация:** В статье представлена информация об организации обучения работе с сельскохозяйственной техникой и ее техническому обслуживанию, системе управления сельскохозяйственными предприятиями, эффективности производства, развитию сельского хозяйства, структуре и функциях сервисного центра, состоянии и эксплуатации техники.

**Ключевые слова:** консалтинг, машинно-тракторный парк, диагностика, техническое обучение, утилизация, техническая документация, менеджмент, модернизация.

### FEATURES OF TECHNICAL SERVICES IN THE AGRICULTURAL SYSTEM

**Abstract:** The article provides information on the organization of training in working with agricultural machinery and its maintenance, the management system of agricultural enterprises, production efficiency, agricultural development, the structure and functions of the service center, the state and operation of equipment.

**Keywords:** consulting, machine and tractor fleet, diagnostics, technical training, utilization, technical documentation, management, modernization.

Ўзбекистон иқтисодийнинг барқарор ривожланишида қишлоқ хўжалигининг ўрни беқиёсдир. Иқтисодийнинг барқарор ривожлантиришида қишлоқ хўжалиги техника хизмати муҳим аҳамият касб этади. Техника бу, деҳқоннинг қаноти. Бу нақл бежизга айтилмаган. Шундай экан, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини замонавий техникалар билан ўз вақтида таъминлаш ва юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида меҳнат қилиш муҳимдир. Бугунги кунда, қишлоқ хўжалиги экинларини ўз

вақтида бажарилишини таъминлаш учун техника воситаларига техник хизмат кўрсатиш муҳим ҳисобланади.

Бундан кўриниб турибдики, Иқтисодий-техник модернизация қилиш даврида қишлоқ хўжалигида техник хизмат кўрсатишни бошқариш тизимини шакллантиришнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Президентимизнинг 2019 йил 31-июлдаги “Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжа-